

ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



Эшонларимиз (Абдулла Қодирий)



|

Эҳтимолки, сарлавхани ўкуганингизда тасфияи нафс, тазкияи калб килгучи ва килдиргучи, нур ичига чўмилган, риёзат билан чўпустихон, тамом фоний, факир ва эҳтиёж билан хамнишин бўлган вужудларни кўз ўнгимизга келтуарсиз. Лекин хар кимнинг кўриши хар турлукдир.

Эшонларимиз!..

Мана, маним кўз ўнгимга кимлар келиб кўринди: тахбис нафс ва талбис калб, сулукига солик, икки дунёда хам юзлари коб-кора, текинхўрлик билан чиб-чирдак, гўб-гўмбак, тамом семиз, давлати шахриёри билан мусаллаҳ, факиру фано билан ёв, ўюн-кулги, айшу тараб, нозанин хонимлар, париваш маҳрамлар гояи аъмоллари бўлган вужудлар... Бас, бу икки турлук кўришдан шу нарса келиб чикадир: ё сиз кўр ва ё ман! Ё сизнинг кўзингизга ок тушкан ва ё маним!

Журналинизнинг шу сонидан бошлаб биринчи галда эшонларимизнинг, иккинчи галда уламоларимизнинг таржумаи холларини ёзмок фикридаман. Бирок сизнинг айтмогингиз мумкиндирки, «Кўришинг бу бўлса— ёзишинг калай бўларикин?» деб. Аммо ман сизга шуни айтаманки, таржумаи хол деган гап шамолдан ёки хаводан олинмайдир, ахволи баён килинатурган шахснинг ўз хаётидан олинадир. Козонда нима бўлса чўмичка хам шу нарса чикадир. Ман хам шу конундан четка чикмасман, козонда мошова пишкан бўлса албатта палов сузмасман. Иккинчи шулки, «Эшонларимиз» бобида Тошканднинг йигирма чоғлик авлиёларининг манокиблари сўзланадир. Улардан (албатта уларнинг ўлук—тирикларидан) умид шулдурки, хакикат отига, деб ёзган таржумаи холимиздан ранжимаслар ва хакикат отига гарчи бад-хазм бўлса хам хазм килгайлар!

Эшонларимиздан биринчиси: Иззат сиришт ва саодат сарнавишт некукирдор орифулло Саид Махдихон бинни Саид Бокихон бинни Абулкосимхон эшон бинни кутбул-актобхон Тўрахон эшон алавий накшбандийдирлар. Аммо биз бу силсиланинг таржумаи холини Абулкосимхон эшон мархумдан бошламокчимиз. Шундокки, Абулкосимхон эшон ўз замонининг кутби эди. Унинг валоятига Тошкандгина эмас бутун Туркистон, хатто Некалай I хам гойибона койил эди. Абулкосимхон эшонни Россия истибодига таниткан кишиларнинг биринчиси унинг Тошканд муридларидан бўлган машхур Саидазимбой билан Шарафийбой (татар)дир. Ул вактларда Туркистон хонлар кўлида бўлуб хали Россия истибодига ўтмаган, шунинг учун улуг ок подшоҳ кутби замонимиз бўлган Абулкосимхон эшоннинг валоятларидан умидвор эди. Бу жаноб хам ўзларининг югурдаклари бўлган Саид Азим ва Шарафийлар оркалик ок подшоҳга гойибона хусни таважжухларини юбориб туар әрдилар.

Вактики Абулкосимхон тўрамнинг дуолари ижобат хадафига тегиб Чернаеф Тошкандни фатҳ килди; дўстлар шод, душманлар гамгин бўлуб тўрамнинг ўзлари улуг жондорол гўбарнатўр Чернаефнинг олдида гулдек очилган эди. Кўнгил тинчиб орадан бирор йил чамаси ўткач жондорол гўбарнатўр фатху нусратда улуг фидокорлик кўрсаткан авлиёларни ўз хузурига зиёфатка чакирган, устол атрофи Шарафий, Абулкосимхон эшон, Хожи Алим, Хакимхўжа каби ок саллалик гўллар билан тўлган, дастурхонда тўнгуз гўштидан бошка хар нарса мухайё килинган эди. Вактики зиёфат хитомига етуб, баъдаз фотиха адютант томонидан қаҳрамонларга инъом улашиладир. Жумладан Абулкосимхон эшоннинг олдига бир кумиш самовор, Хакимхўжанинг олдига кумиш патнус кўйиладир. Бу вакт Хакимхўжа кози патнусни самоворнинг ўрнига кўюб, самоворни ўз олдига тортадир... Бу холдан викиф бўлган адютант самоворни эшоннинг олдига олуб Хакимхўжага айтадир:

— «Сизни таниганимизга ёлгуз биргина йилдир. Аммо эшон, бизнинг хукуматга ўн беш йилдан бери хизмат килуб келадир!» Хакимхўжа козининг дами кесиладир. Шу вактда мажлиска онглашиладирким, эшон унча-мунча одам эмас...

Бас, ок подшоҳнинг навкарлари бўлган жондороллардан шунчалик иззат, хурмат, инъом, эхсон кўргучи бир бузруквор эшонга бутун халк мурид кесиладир, каромат, валоят

ортадир. Кауфман Туркистонга волийи умумий бўлуб келгач, каромат камаядир эмас, балки, юз кат яна ортадир.

1884-нчи йилда фон Кауфман ўладир. Унинг тагзиясига чикган бизнинг Абулкосимхон эшонимиз бутун Тошканд мусулмонларини хайратда кўюб Кауфман руҳига «Таборак...»ни тиловат килуб багишлайдирлар...

Шу ахволда бу дунёning барча баҳт-саодатларини кечириб, нихоят (1309 хижрия, 1891 мелодияда) миллионлаб муридларни зор йиглатиб, барча йигуб терғанларидан умид узолмаганлари холда дунёдан кўчадирлар. Эшоннинг тирикликларида тўёлмай колган ҳалқ тобутни эртадан кечкача кўлма-кўл кўтаришиб юрадирлар. Энг охирда тобутни бурда-бурда килуб, ўзаро таксим килишгач тинчийдирлар. (Эшон бузрукворнинг кабр тошлари: «Ин маркади мунавар муршиди комили мукаммал шайхул-ислом валмуслимин ҳофизи калом раббул-оламин мухиббул уламо ва малжаул-гурабо ҳазрати эшон Абулкосимхон бинни кутбул-актоб ҳазрат эшонхон Тўрахон алавий накшбандий» деб битикликдир).

Мархум эшоннинг багзи бир хислатлари: Ул зот аксар авқотларини ёш, маъсум ўғлонларнинг сухбатида кечирап эдилар. Ҳаккитаоло дийдорининг аксини шу ўғлонлар юзида мушоҳада килар ва бир ўғлон-нинг кўлидан ичилган бир пиёла чойни кавсар сувидан беҳрок хисоблар эдилар. Ўзларидан сўнг ўн парлаб нозанин ёш хотун ва чўрилар соchlарини ёйиб колдилар.

Ул зотдан Саид Бокихон отлик бир ҳалаф колиб, ота кадрдони бўлган ок подшохнинг химоясига сигинадирлар. «Эгасини сийлаган итига суяқ ташлар», деганлариdek Саид Бокихон отасининг туфайли билан Бешогоч қозилигига белгуланадирлар ва шу маснадда йигирма йиллаб давр сурадирлар.

Бир томондан қозилик тушими, иккинчи томондан эшонлик касби билан оталаридан колган bog, шоликор, ховли, мол, обжувоз, тегирмон ва бошка амлоклар ёнига яна ўн кайта бойлик изофа киладирлар. Шу йўсунда бу жаноб ҳам дунёга видоъ килуб, барча йигуб терғанларини маҳдумлари бўлган Махдихон эшонга омонат колдирадирлар.

Энди Махдихон эшон таржумай холига ўтайлик:

II

Махдихон эшон ана шу Абулкосимхон эшон мархум набирасидир. Бу зотнинг ҳам мансаб ва дунё суйища боболаридан колишатурган ўрни йўқдир. Некалай замонида бу жанобнинг кўнглига ота мероси бўлган қозилик орзуси тушиб бир неча вакт нуфузлик, хукуматга якин бойларнинг эшигига йиглаб юрди. Бир томондан бойларнинг кўмаги, иккинчи жихатдан пристаф ва эллибошиларга канверт оркалик улашилган «бадал»лар ёрдами билан туппа-тузук «Козии ислом» ҳам бўлуб олди. Биз корнини ёрганда алиф ўрнига лоакал калтак чикмай-турган дардисарнинг қозиликка нечук ўлтуриб олиш йўсунини шунда кўрдик. «Бир, деганда тўрт томондан» дегандек эшонликка тушатурган назру ниёз ҳам қозиликка тушиб турган унча-мунча чой-чакалар баракасида узок тарихдан тортилиб келган давлат каппайгандан-каппайди; ерга-ер, молга мол кўшулаборди.

Сайд Махдихон поччамиз 1911-нчи йиллар орасида шариъат курсисига ўлтурган бўлса, то 1917-нчи йилгача Мочалоф-Почалофларнинг кўлига сув куйиб «отам, онам» билан килтиллаб кела олди. Аммо чархи кажрафтор даврасини тескаридан олуб, шартта инкилоб деган касофат юз кўрсаткан эди, шилк этиб бизнинг Махдихонимиз хам шариъат курсисидан кулаб тушди.

Лекин бизнинг жасур эшонимиз бундай муваффакиятсизликлардан умидсизланиб ўлтурмади. Хамон ишнинг томирини кидиргандан кидира бориб, нихоят, «Уламо» жамиятидан тешиб чикди ва бу жамиятнинг ўрта кўлдек «мана» деган айгиrlаридан бўлди. Хатто шу жамиятнинг таважжухи соясида кайта бошдан козилик ўрнига минмак эхтимоли хам чикуб колган эди. Бирок бир кеткан баҳт иккинчи кайтуб келмас экан. Бу орада большевик деган кофиirlар бош кўтариб «Уламо» жамиятининг суробини тўгрилаб кўймасунми. Шунинг ила бизнинг тогамиз дархол ўзининг бошка хамкурблари билан Бухорога кочди. Бухорода икки йиллаб риёзат чекиб, кўб балоларга йўликуб нихоят Тошкандга кайтуб келса хам лекин уйдан эшикка чиколмайтурган бўлган эди. Ва ўша кундан бошлаб кўбчиликни «яка мохов» килуб ўзи обрўсизлик ва амалсизлик балосига гирифтор бўлди. Баракат берсунки, ота-бободан колган эшонлик, хам муридлар бор экан. Йўкса аллакачон сил касалига мубтало бўлуб, бу дунёи фонийдан видоъ килган бўлур эди.

Бутун юртни «яка мохов» килуб, «Уламо» жамиятидан хасипни совитиб чикгач бир канча йиллардан бери сакталикка учраган эшонлик касбига чинлаб киришди, гам-андухни кенг сахрода таркатмок ва шу баҳона билан мурид овламок касдида саёҳатга чикди.

Эшоннинг ота-бободан мерос тарикасида каламрўига ўткан муридлар; Авлиё ота, Туркистон, Карнок, Чимканд; Тошканддан Калас, Чинос, Нишибош, Хумсон ва шунга ўхашаш ерлардир. Мана шу ерларнинг минглаб гўсхўр муридлари ичida хам саёҳат, хам тижорат килуб гам-андухни таркатиш билан бирга неча юзлаб кўй, эллик-олтмишлаб корамол, минг путлаб дон, юзлаб тўн, коплаб окча ортдириб кайтди. Аммо мундан сўнгги асосий касб — эшонлик; хонаги эрмак — даҳага ўлтуриш; тижорат — эшонликдан тушкан юзлаб кўйларни бўрдоки килуб сотиш; мажлис, яъни гапу-гаштак — кал Абдулкодир, Имом шайтон, Иброхимхон ва шунга ўхашаш хафта фахм, пайтава кулок бойлар билан бўлмогига карор берилган эди.

Бир вактларда эшоннинг ўрдадек мактаббоб ховлиси интернатга олинган бўлса хам лекин бу балодан «анов-манов»лар билан аранг кутулиб олинди.

Энди таржумаи холни тўхтатиб, эшонга шуни айтамиз: Абулкосимхон эшон бобонгизнинг ўз умрида яхши иш килгани бўлса ул хам халқдан окча йигуб, ўз отига мадраса согани ва унда болалар ўқитгани эди. Аммо сизнинг бўлса хозирги давлатингиз, мулки ашёнгиз мундайин мадраса ва мактаблардан бир канчасига хам етадир. Нима киласиз? Бирорта хайр ишқа кадам ранжида киласизми? Ёки шу кўйи сув куйгандек бўлуб кета берасизми? (Эшоннинг шу якинда бўлган бир можароси хакида Хумсон кишлогидан олган бир мактубимиз бўлса хам у нарсани бу ўрунга киргизиб ўлтурмадик).

Эшонларимиздан иккинчиси жаноби Шамсиддин маҳдум бинни Гиёс маҳдум бинни Ахмад маҳдум. Аммо Ахмад маҳдумни шаксиз каромат сохиби эди, деб ривоят килгучилар бор.

Лекин ул киши тўғрисидаги ривоятларга аник ишонилса хам бўлатурган кўринадир.

Зероки Ахмад маҳдум ўзларининг каромат ва мўъжизаларига мункир келгучи багзи бир шаккокларга далил ўрнида «Яъти мин баъди исмуху Ахмад» оятини ўқуб мудофаа килур ва ўкраб йиглар эканлар. Мазкур оятдаги «Ахмад»нинг сарих шу Ахмад маҳдум бўлганлигига уламо байнода бир иттифок борлиги Тошканд халкининг маълуми бўлса

керак. Хар холда мархумнинг Куръонда хабар берилган «Ахмад» бўлишида шубҳа йўқдир. Демак, онглашилган бўлса керакки, хакида сўз юритмакчи бўлганимиз Шамсиддин маҳдум шундай бир зотнинг фарзандидир. Бу кишини лоакал ўша боболари хурматига таниш ва эътиқодни маҳкам килиш хар бир мўъмин-мусулмон бўлган кишига фарзи айнди.

Бу зотнинг ўзлари хам гоятда нозик табъ, зиёда аллома, хам такаллуфсиз бир муршиддирлар. Хар холда улуг зотнинг фарзанди, десак комил бир мадх килган бўлурмиз.

Шамсиддин маҳдум Тошкандан тортиб то Самаркандгача мурид тарбия киладирлар. Тушим важхи чакки бўлмаса хам аммо бу зот доим мир курук бўлуб юрийдирлар. Чунки ишлаб топилган мол нафис кийимларга, лазиз таомларга аранг етуб турадир. Бошка эшонларимиз нечоклик искирт, канча мумсик бўлсалар, бу киши уларнинг зиддига шунча сермаишат ва сарзавқдирлар. Уйларида дуруст майшат кечира олмаганлари фурсатларда тузукрак кишиларникига «айтмаган жойга, йўнмаган таёк» хам бўлуб оладирлар. Бу муршиднинг завкларини шун-дан хам онгласа бўладирким, аксар йигин, яъни зикр самоъ кезларида бир томонда таважжух бўлса, иккинчи томонда миллий оркестр чалиб миллий ашуалалар айтилиб турадир.

Жанобнинг зиёфатларда жумъа ва таважжух асноларида айтатурган сўнгги сўзлари шул: «Замона оғир, шу оғир замонларда бир муршиди комилга топширилмаган мусулмон фарзандининг холига вой!...»

Маҳдум поччанинг иршодларидан ўтуб якингинада «Кўшкулок маҳдум» деган бир халфа хам етишди. Бу Кўшкулок хам ўз олдига сулук тебратиб кўб мусулмонларни рохи ростга солмокдадир.

(яна бор)

Абдулла Кодирий